

СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АСПЕКТЛАРИ ,
УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ .

Носирова Муборакхон
ФарПИ талабаси

Суғурта тизимини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 3- моддасига мувофиқ “Суғурта — муайян воқеа (ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар” мажмуи тушунилади.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етита устувор йўналишдан иборат “2022 - 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ишлаб чиқилди. Тараққиёт стратегиясида 2022-йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга бағишланиб, мақсадларнинг учинчи йирик гуруҳи “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланди.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифаларини белгилаб беради. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда суғурта секторининг ролини ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори, ташқи ва ички инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурта йўли билан ҳимоялашнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва муҳокама қилиш, фуқароларга кўрсатиладиган суғурта хизматларини ривожлантириш ва аҳолининг суғурта маданиятини ошириш, суғурта бозорини тартибга солишнинг пруденциал нормаларини такомиллаштириш ҳамда суғурта фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча мақсадлар киритилган.



Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига тобора интеграциялашуви, глобал хавф-хатарларнинг ошиб бориши, халқаро суғурта ҳамжамияти, соҳанинг экспертлари ва таҳлилчилари олдига ҳал этилиши долзарб аҳамиятга эга бўлган қатор вазифаларни илгари сураётганлиги хорижлик мутахассислар томонидан алоҳида тилга олинмоқда.

Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Суғурта молиянинг интеграциялашган шаклларида ҳисобланади. Дунёнинг йирик суғурта компаниялари, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга ошириш учун бирлашадилар. Кўпгина мамлакатларда хорижий суғурта компанияларини миллий бозорларга киришига рухсат этилган. Масалан, 1992 йилдаги Маастрихт шартномасига асосан, Европа мамлакатларида хорижий капитални чеклаш бўйича барча тўсиқлар олиб ташланди ва Европада ягона суғурта бозорини шакллантиришга қаратилган тадбирлар бошланди. Шундай бўлсада, миллий суғурта бозорлари ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолмоқда. Бу хусусиятлар биринчидан, суғурта соҳасининг таркиби ва таклиф этилган суғурта ҳимоясининг турларига тааллуқлидир.

Европа иқтисодий ҳамкорлик тизимида қабул қилинишича, суғурта ташкилотлари ихтисослашган ва ихтисослашмаган асосда ўз фаолиятларини ташкил қиладилар.

Ихтисослашмаган суғурта ташкилотлари суғуртанинг бир неча турлари бўйича ўз ишларини олиб борадилар. Ихтисослашган суғурта ташкилотлари 1-2 йўналишларда ихтисослашган ҳолда фаолият юритадилар. ЕХТда суғурта гуруҳлари қуйидаги икки хилга бўлинади: узок ва қисқа муддатли умумий суғурта турлари.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида суғурталовчиларнинг фаолияти турли хил ташкилий шаклларда яъни, ҳиссадорлик компаниялари;

давлат ва аралаш суғурта ташкилотлари;



хусусий тадбиркорлик ва бирлашмалар; кооператив суғурта ташкилотлари;

кўшма корхоналар;

автосуғурталовчилар параллел шаклларда намоён бўлади. Турли давлатларда суғурта жамиятларини тузишда турли хил ташкилий-ҳуқуқий шакллардан амалиётда фойдаланилади. АҚШ ва Германияда хиссадорлик жамиятлари, Францияда ўзаро суғурта жамиятлари, Буюк Британияда эса, суғурта ассоциациялари иш олиб бормоқда.

Суғурта бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини унинг макро ва микродаражадаги иқтисодий муносабатларнинг ўзаро боғлиқ кесимларида кўриб чиқиладиган бошқарув жиҳатларини такомиллаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқот қуйидаги хулосалар ва тавсияларни шакллантириш имконини берди. Суғуртага нисбатан тизимли ёндашув, бир томондан иқтисодий муносабатлар субъектларининг мол-мулкини ҳимоя қилиш манфаатлари, фуқаролар шахсий соҳасининг ўзига хос хусусиятлари, алоҳида ижтимоий тузилмаларнинг фаолиятнинг эҳтимолий қалтисликларидан шунингдек ижтимоий мақомнинг ўзгариши муносабати билан даромадларни йўқотиш қалтислик ҳимоя қилиш манфаатлари билан, иккинчи томондан эса, тармоқ сиёсати ва суғурталовчиларнинг танланган стратегик йўллари билан белгиланадиган суғурта компаниялари хўжалик юритишнинг ташқи ва ички шартлари билан белгиланадиган қатор муҳим хусусиятларини аниқлаб берди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Жуманиязов, И. Т. (2021). Тхе Прогрессиве Форейгн Эхпериментс ин тхе Астивитй оф Совереигн Веалтх Фундс. Анналс оф тхе Романиан Сосиетй фор Селл Биологй, 109-116.

2. Жуманиёзов, И. (2018). Импаст оф Девелопмент Финансе Институтионс он Эсономис Гроувтх: Имплисатионс фор Ресонструстион анд Девелопмент Фунд оф Узбекистан. Интернационал Жоурнал оф Манагемент Ссиенсе анд Бусинесс Администратион, 4(2), 84-88.

3. Ядгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими. – Тошкент. Янги аср авлоди,-2005

4. Шермухаммедов А., Охунова Г., Жўраев О. Халқаро транспорт суғуртаси.-Т.:ТДИУ,2000

